

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шахар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24

№ 12 (14,115) 23 МАРТ, ПАЙШАНБА 2023 йил

ЯНГИ ТОШКЕНТ БОГЛАРИ

Инсон деган осмонидан ерга тушса,
Юрагида орзу ёқсан кўрга тушса,
Асли тош ҳам ғуллаб кетар зўрга тушса,
Эл сардори ўзи экиб, энли чорлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Одамийлик диёрининг янги боғи,
Теграсида кўхча Чотқол тизма тоғи.
Бу — ўзбекнинг меҳри ёқсан дилчирози,
Бургут бўлсанг, елка шутар бизнинг тоғлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Боболардан мерос бизга эзгу амал,
Соҳибкорлик, боғбонлик — бўмангу амал,
Шундай яшаб келган аҳир ўзбек азал,
Аё дўстлар, сизу бизни чин сўрокаҳар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Бобом Темур боғбонларнинг пири бўлар,
Боғларнинг номидан ҳам ифор елар,
Олти аср оша бизга нури келар,
То ҳаёт бор — экканларни эл ардоқлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Мир Алишер шеъриягин ўзи боғдир,
Мирзо Бобур деса, миллат қўкси тогдир,
Бундай боғлар аждодлардан хуши сабоқдир,
Шояд, улар руҳин шодлар ушбу ҷоғлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Бежиз айтмас — бепарвонинг боғи бўлмас,
Юз йил яшар — юрт ишига ҷоғи бўлмас,
Боғ яратган яшина бояшар, асло ўлмас,
Кўкартирган аввал ўзин кўнглини ҷоғлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Покликнинг ҳам оҳанги бор, қулоқ солсанг,
Худо хушилар бир туп ниҳол эка олсанг,
Бир майсанинг қошида тиз чўка олсанг,
Ёқиб қолар ўзингга ҳам бу титроқлар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар.

Янги Тошкент — янги орзу висолидир,
Ўзбекистон, ўзбек халқин камолидир,
Юрт эгасин эзгу иши, аъмолидир,
Бўлса биздек бўлар асли қўкси тоглар,
Янги Тошкент бағридаги янги боғлар!

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Обод Ватанда яшаш ҳар бир инсоннинг орзуси!
Ободлик – юрт бошида турғанларнинг оқилона сиёсати, олиб бораётган испоҳотлари, ватандушлар меҳнати сабаб юзага келади. Бугун Президент билан бир тан-у бир жон бўлиб келажак сари интилаётган юрт дошларимизниң эртанги кун ҳақида ёруғ хаёллари бор. Зоро, ёруғлик – ободликдир!

Ўзбекистоннинг юраги – Тошкент бугун дунёнинг ривожланган пойтахт шаҳарлари –дан бирига айланди. Унинг бағрида мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам бисёр. Замон пойтахтнинг янада юксалишини, янада қулоч ёзишини ва кенгайишни талаб қилмоқда. Шу маънода, юртбошимиз ташаббуси билан самарали, халқ унун манфаатли янги лойиҳага тамал тоши кўйилди.

Янги Тошкент – жарангি қалбларга кўчадиган, минглаб одамлар орзусининг рўёби, келажак авлоднинг баҳтиёр кунлари!

Бу лойиҳани амалга ошириш учун танлаб олинган шудуд денгиз сатҳидан 500 метр баландлиқда, шахарга яқин ва албатта, ўзига хос табиити, икки дарё ўртасида жойлашгани билан аҳамиятлидир.

Энди пойтахт ҳудуди «Янги Тошкент» лойиҳаси доирасида қўшимча 20 минг гектарга кенгаяди. Натижада, 1 миллион аҳоли яшashi учун қулай шароитида жойлашгани билан таъминланади.

Биринчи босқичда 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли ўйлар, 30 та мактаб, 20 та болалар бофчasi, кўп тармоқли шифохона ва 5 та оиласиий поликлиника барпо этилади.

Яна бир муҳим томони – бу лойиҳани амалга оширишда замонавий урбанизация ёндашувлари асосида “ақлли” технологиялар кўлланилади. Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. “Яшил ва хавфсиз шаҳар” тамоили асосида, пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай

шароит яратилади.

Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳлари курилади. Автомобиль қатнови учун 14 та замонавий тунеллар ҳамда Чирчик ва Қорасув дарёлари устидаги 7 та кўприк бунёд этилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тагидан ўтказилади.

Шунингдек, яна 3 та лойиҳа бўйича Хитойнинг “CEEC-Gezhouba” ҳамда “China Dating Overseas Investment” компаниялари билан келишувга эришилган. Булар – Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида 700 мегаваттли, Оҳангарон туманида 1 минг мегаваттли ҳамда Бўка туманида 300 мегаваттли станциялардир.

Маросимда мазкур 3 та лойиҳага ҳам старт берилди.

Уларга 2 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестиция кириллади. Йил якунигача улар бўйича дастлабки 300 мегаватт қувватлар ишга туширилади. Бу станциялар тўлиқ қувватга чиққандан кейин йилига 6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқаради ва пойтахт эҳтиёжининг ярмидан кўпини қоплади.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида юқори кучланиши тармоқлар курилиб, эскирган трансформатор ва электр тармоқлари янгиланиши маълум қилинди.

Янги Тошкент лойиҳасида сув тежовчи технологиялар ҳисобига сув сарфи 2 баравар камайди. Оқова сувлар ҳам замонавий технологиялар асосида

қайта ишланиб, суфориш ва техник мақсадлар учун ўнталтирилади.

Янги шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли 200 мингта иш ўрни яратилади.

Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва

тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Янги Ўзбекистон университети, Миллий кутубхона

нинг янги бинолари, театр, ижод мактаблари, савдо ва

сервис марказлари ҳам шу ерда жойлашади.

Босқичма-босқич давлат идоралари ҳам Янги Тошкентга кўчиб боради. Уларнинг ҳозирги бинолари ўрнида меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва савдо объекtlари очилиб, Тошкент замонавий туризм ва бизнес марказига айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Тошкент» лойиҳаси курилишига тамал тоши кўйиш маросимида “Биз аҳоли талабидан келиб чиқиб, охиригина йилларда Тошкентда жуда кўп курилишлар қилдик. Энди унинг ривожланиш истиқболларини ўйлашимиз керак. Халқимиз “маслаҳатли тўй тарқамас” деганидек бугун сизлар билан Тошкентнинг келажагини кенгашиш учун йиғилдик” деди. Яна “Пойтахтимизнинг барқарор ривожланишини ўйлаб, камидаги 15-20 йил оғдин режаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур. Чукур ўйланган урбанизация сиёсати – турмуш шароити, иқтисодий ривожланишига, одамлар кайфияти ва мада-



ниятига жуда катта таъсир кўрсатади”, – деди давлат раҳбари.

Ҳар томонлама пухта ўйланган лойиҳанинг ҳар бир нуқтасида халқнинг манфаати, фаровон ҳаёти мақсад қилиб олинган. Яна “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси ҳам айнан шу ёрдан бошланади. 420 гектар майдонда “Марказий бօғ” барпо этилиб, 200 минг туп дараҳт экилади. Янги Тошкент чинакам экологик шаҳар бўлади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу боққа кўчатлар ўтқазди.

Жаҳон айвонидаги ўзининг мавкеини мустаҳкамлаётган юртнинг залвори унинг халқига берган фаровон ҳаётида акс этади. Бугун биз улкан орзулар билан интиляпмиз, катта лойиҳаларга гувоҳ бўлаяпмиз. Бевосита юртбоши раҳнамолигида эзгу ишларга хайриҳоҳмиз, сафарбармиз.

Бугун экилган ниҳоллар эртага азим дараҳтларга айланади, ирмоқлар дарёларга уланади, хаёллар мақсадларга хизмат қилади.

Янги Тошкент бағрини очмоқда...

Севдо НИЁЗОВА.
Президент Матбуот хизмати материалларидан фойдаланилди



Рамазон рўзасининг фазилати

Рамазон рўзасининг фарзлиги ҳақида етарли маълумот олмагунча киши тутаётган рўзасининг аҳамиятини англаб етиши қийин.

Бу ибодат Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг ҳадислари ва Ислом умматининг ижмои ила собит бўлгандир. Аллоҳ таоло бу ибодатни серфазилат қилиб қўйган. Мазкур фазилатларни санаб адогига етиш қийин.

Рўза араб тилида «сиём» деб аталиб, луғатда бир нарсадан ўзини тиймоқликни билдиради. Шариат истилоҳида эса, «тонг отгандан то қўёш ботгунча ният билан рўзани очувчи нарсалардан ўзни тиймоқликдир». Рўзани очувчи нарсалар деганда емоқ, ичмоқ, жинсий яқинлик қилмоқ ва рўзани очиб юборадиган бошқа нарсалар тушунилади.

Рамазон ойи рўзасини тутмоқ иккинчи ҳижрий санада фарз қилинган бўлиб, рўза тутишнинг инсон учун фойдалари жуда ҳам кўп. Жўмладан, рўза тутган кишининг тақвадорлиги ошади. Аллоҳ таоло рўза ҳақидаги оятнинг охирида:

«Шоядки, тақво қилсангиз», деган.

Аллоҳ таоло бандаларни рўза тутишга буюриб:

«Эй имон кептирганлар, сизларга ҳам, худди сиздан олдин ўтганларга фарз қилинганидек, рўза фарз қилинди, шоядки, тақво қилсангиз», деган (Бақара: 183-184).

Ва яна: «Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят-у фурқондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Қуръон туширилгандир. Сиздан ким ўша ойда ҳозир бўлса, бас, рўзасини тутсин», деган (Бақара: 185).

Бундан аввалги оятда рўза «саноқли кунлар» фарз қилингани айтилган эди. Бу оят ўша «саноқли кунлар – «Рамазон ойи» эканини баён қиласпти. Айни чогда, Рамазон ойининг фазли ҳам зикр этиляпти.

Рамазон ойи йип ичидаги энг афзал ой ҳисобланади. Унинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар бор, улуғ уламоларнинг сўзлари, мадхлар айтилган, китоблар битилган. Лекин бу ҳақидаги таърифларнинг гултоғиси Роббил Оламийнинг ўз қаломида айтиган мадҳидир. Бу Рамазони шарифнинг энг улкан фазилатлари ҳақидаги таърифдир. Яъни: «Унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят-у фурқондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Қуръон туширилгандир».

Абу хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом: «Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар кишланнур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқик, маҳрум бўлиби», дедилар» (Насайи ва Байҳақи ривоят қилганлар).

Рўзанинг фазилати ҳақида Абу хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган яна бир ҳадисда: «Набий (соплаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен — ўзим берурман, деди. Рўза сакловидир. Қачон қайси бирингиз рўзадор бўлса, фаҳшдан гапирмасин ва бақир-чақир қилимасин. Агар бирортаси у билан сўқишмоқчи ёки ўришмоқчи бўлса, мен рўзадорман, десин. Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зот ила қасамки, албатта, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир. Рўзадорга иккى хурсандлик бордир. У иккисини ҳам яшагай. Қачон ифтор қилса, хурсанд бўлгай ва қачон Роббисига

мулоқот бўлганда, рўзаси ила хурсанд бўлгай», дедилар» (Бешовлари ривоят қилганлар).

Бошқа бир ривоятда: «Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (Одам боласи) шаҳвати ва таомини Мен учун тарқ қилур», деди» дейилган.

Демак, инсоннинг рўзадан бошқа ҳамма қилган амали ўзи учун бўлади. Фақатгина тутган рўзаси Аллоҳ учундир. Буни бундай тушуниш мумкин: Рўзадан бошқа ҳамма амалларда амал қилувчи хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам бир оз хўжакўрсинглик, ўзгаларнинг ҳаваси, мақтоби, обрў-эътибор пайдо бўлади. Мисол учун, намоз ўқиган одам таҳорат қилганида, намозга жой танлаганида ва ниҳоят намоз ўқиётганида бошқалар кўради. Бу одам намоз учун таҳорат қилмоқда, бу одам намоз ўқимоқда, яхши одам экан, деган фикр хаёлидан ўтиб, унга хурмат-эътибор билан қарайди.

Шунга ўхшаб, закот берганида ҳар қанча яширса ҳам ҳеч бўлмаганда закотни олган киши билиб, ҳаққига дуо қиласди.

Ҳажга борганида эса, умуман, шов-шув бўлиб кетади. Қайтганидан сўнг гурух-гурух кишилар зиёратига келади. «ҳожи ака» ёки «ҳожи она» деган ном билан чақирилади.

Рўзада эса, бу нарсаларнинг бирортаси йўқ, кечаси ҳеч ким кўрмайдиган вақтда саҳарлик қиласди. Кундузи эса ҳамма баробар юраверади. Ифтор вақти кираётгандан ҳам, ҳеч кимсиз ёлғиз ўзи қолганида ҳам рўзадор Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қиласи, оғзини очиб юбормайди. Ана шуларнинг ҳаммаси рўза Аллоҳ учун тутлишишининг белгисидир.

Шунинг учун ҳам ёлғиз Аллоҳ учун бўлган ибодатнинг мукофотини Аллоҳ таоло ўзи билиб беришга ваъда қилмоқда.

Шу билан биргя, рўза учун бериладиган савобнинг кўпайиши шунчаларки, уни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди, идрок ҳам қила олмайди. Рўзадорнинг амали бунчалар юқори баҳоланишининг сабаби у фақат Аллоҳ таоло учун таоми ва шаҳватини тарқ қиласи, рўза тутганидандир.

Дарҳақиқат, азизлар, бизларга Аллоҳ таоло баракот ойини насиб қиласди. Унинг қанчалик даражада баракалик эканлигини имонимиз ва ишончимиз даражаси ила ҳис қиласми. Аммо бу раҳмат ойида кўп яхшилик борлигига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ. чунки бу ойда тутаётган рўзаларимиз билан ўзимиздаги кўп ёмонликлардан тийиламиш. «Мен рўзадорман» деб анча-мунча ножоиз ишларимиздан тўхтаемиз.

Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиларидек, рўзабуомонатдир, рўзабуибодатдир. Шунинг учун ҳам тутаётган рўзаларимизни чиройли адо этайлиқда, Парвардигордан унинг ажрини кутайлик. Пайғамбаримиз с.а.в. шундай марҳамат қилдилар: «Рўза тутган кишининг ўйуси ибодат, сукут сақлашлиги Аллоҳга тасбех, қилган амалининг савоби ортириб берилади ва гуноҳи кечирилгандир»

“Агар менинг умматим Рамазон ойи ичидаги нарсаларни билгандариди эди, албатта, йилнинг ҳаммаси Рамазон бўлсайди, деб орзу қилардилар”. Зоро, савоблар Рамазон ичидаги йигилгандир ва тоатлар мақбулдир, дуолар мустажобдир ва гуноҳлар кечирилгандир ва жаннат рўзадорларга муштоқдир.

**Ўзбекистон Мусулмонлар идораси
Матбуот хизмати билан ҳамкорлиқда
тайёрланди**

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЮРТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МУСТАҲКАМ ХУҚУҚИЙ АСОС БЎЛАДИ

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойихаси матни эълон қилинди. Унга кўра, амалдаги Конституцияга 27 та янги модда киритиш, моддалар сонини 128 тадан 155 тага ошириш режалаштирилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, асосий қонун лойихасининг умумхалқ муҳокамаси чогида фуқароларимиздан 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган бўлиб, ушбу таклифларнинг аксарияти лойихада ўз аксини топган.

Жумладан, асосий қонунимизга инсон хуқуқлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилувчи адвокатура тизимиға оид янги бобнинг киритилаётгани ҳам муҳим тарихий воқеадир. Мазкур боб орқали адвокатларнинг хуқуқлари ваколатлари кенгайтирилмоқда. Энг асосийси, бу янги боб жойлардаги учрашувлар, мулоқотлар давомидан мутахассислар ҳамда халқимиз томонидан билдирилган таклифлар асосида шакллантирилди.

Хўш, юртимизда фаолият юритаётган адвокатларнинг мазкур боб хусусидаги фикрлари қандай?



**Мақсаддин СИРОЖИДДИНОВ,
адвокат:**

– Биз шу жиҳатни анча йиллардан бери орзу қилиб, умид билан кутган эдик. Шу билан бирга ушбу бобнинг киритилишига ҳаракат ҳам қилдик. Конституцияда бевосита адвокатлар мақоми эга бўлган боб ва моддалар бўлишини хоҳлаган эдик. Биз шу орзуимизга етдик, деб ўйлайман. Ҳозирги кунга келиб, ушбу бобнинг лойихага киришининг ўзи ҳам биз учун катта ютуқ, катта бир шижоат, дейиш мумкин. Суд жараёнидаги тенглик тўғрисида фикрлар юритилар эди. Мен энди шу тенгликни амалдаги қонунчилик билан мустаҳкамлаш билан бирга Конституцияда ҳам белгилаб қўйилмоқда. Бу бизга нима беради. Авваламбор, бирор бир фуқаро бошига ташвиш тушганида, у ўз хуқуқи сифатли, малакали ва шу билан бирга ишончли ҳимоя қилинишини истайди. Ишончли ҳимоя қачон амалга ошиди? Биз албатта, малакали ёрдам кўрсатишими мумкин. Лекин фуқарога ишончли ёрдам керак бўлган бир пайтда, адвокатнинг ўзи ҳимояга муҳтоҷ бўлиб турса, ишончли ҳимоя ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ишончли ҳимояни амалга ошириш учун эса, қонун ишлами керак.

Суд жараёнида адвокатнинг мавқеи прокурор билан тенгма-тенг бўлиши керак. Адвокатнинг фикрлари, у келтирган далиллар иккинчи даражали, деб қаралмаслиги лозим. Адвокатнинг фаолиятига эса ҳеч ким аралашмаслиги шарт. Ана шу каби

коидалар янгиланаётган Конституцияда белгилаб қўйилмоқда.



**Валишер ДАВЛАТОВ,
ТДЮУ кафедра мудири, юридик
фандари бўйича фалсафа доктори:**

– Адвокатура номли иккита яхлит моддадан иборат боб киритилмоқда. 1-модда адвокатура институтининг асосий вазифалари, унинг фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятини асосий принципларига бағишиланган бўлса, 2-моддаси эса бу адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва давлат томонидан муҳофаза этилишига бағишиланган. Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатлик фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш принципларига асосланиши қатъий қилиб белгиланмоқда. Яна бир муҳим нормалардан бири – бу адвокатлик фаолиятига аралашиши қатъиян тақиқланиши, адвокатлар ўзига ишонч билдирувчи шахслар билан холи, тазиқ ёки чекловларсиз исталганча кўриш мумкинлиги ҳақида Конституциявий норма ҳам белгиланмоқда.

Адвокатлар хуқуқларининг Конституция дарасида белгиланиши уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, фуқароларнинг адвокатларга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлайди. Бир сўз билан айтганда янгиланаётган Конституцияга кўра, адвокатура ҳам суд ҳамда прокуратура каби Конституциявий мақомга эга бўлмоқда. Бу бир томондан адвокатларнинг нуфузи ҳамда масъулиятини ошираса, иккинчи томондан эса фуқароларнинг хуқуқларини таъминлашда муҳим ахамиятга эга.

Конституцион испоҳотлар жараёнида кутилаётган ўзгаришиш ва қўшимчалар таълим тизимида ги испоҳотларни ҳам янада жадаллаштириш учун мустаҳкам хуқуқий асос бўлади. Хусусан, 41-моддага киритилаётган қўшимчалар мамлакатимизда таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган.



**Умида РАҲМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

– Бугун Қонунчилигимиз билан тартиба солинган мактабгача ва мактаб фаолияти Конституцияда ўзининг бугунги кундаги истиқболини топмаган эди. Янгиланаётган Бош Қомусимида эса нафақат давлат таълим ташкилотлари, балки нодавлат таълим ташкилотларида ҳам бир хил имконият яратиб бериш давлат томонидан кафолатланиши ва давлат таълими ҳам ҳар иккита йўналишда ҳам давлат назоратида бўлиши қатъиян белгилаб қўйиляпти. Бу нима беради? Бу албатта, фарзандларимиз келажаги ва уларнинг ривожланиши, қолаверса, мамлакатнинг ривожланиши учун бугунданоқ тамал тоши қўйилганлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим ташкилотларидаги 20 фоиздан юқори бўлган қамровимиз 72 фоиздан юқори натижага кўтарилиди. Ҳар йили дунё рейтингида мактабгача таълимiga қамров даражаси бўйича энг илғор мамлакатлар рўйхати эълон қилинади. Амалдаги испоҳотлар натижасида мана шу рейтингда 1-ўринни эгалладик. Ва мактаб таълимимда ҳам худди шундай натижаларга эришиб боряпмиз. Биз таълимни, тарбияни Конституциямиз орқали ҳам мустаҳкамлаб қўйсак, ана шунда қўяётган қадамларимиз залворли, кўзлаган натижаларимиз ҳам албатта ўз самарасини беради.

Амалдаги Конституциямизнинг 41-моддасидан фарқли ўлароқ киритиладиган ўзгаришлар билан давлатнинг узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ривожлантириши, мактабгача таълим ва тарбияни ҳамда бошланғич профессионал таълимни кафолатлаши, шунингдек, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклузив таълим ва тарбияни таъминлаш белгиланмоқда.

Давлат дастурига кўра, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да маориф соҳасида қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, 2023 йил 1 апрелдан мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида кўп хонадонли уларнинг нотурар ўйларида ва якка тартибда қурилган уй-жойларда янги муассасаларни ташкил этиш, жорий йил сентябрдан ҳар бир туман ва шаҳардаги битта мактабда ўқувчи-ларни иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиётини йўлга қўйиш каби испоҳотлар ҳам шулар жумласидандир. Бош Қомусимизниң 41-моддасига киритилаётган қўшимчалар эса таълим бериш ва касб-хунарга ўқитишнинг сифат жиҳатидан

**“ЯНГИ ТОШКЕНТ” ЛОЙИҲАСИ
ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ
БЕЛГИЛАЙДИ.**

янги даври учун мустаҳкам қонун асос бўлиб хизмат қилиади.

Бош қомусимизнинг 19-моддасига ҳам ўзгариши киритиләётган бўлиб, ушбу моддани ўзгариши билан давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқук ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, алоҳида ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади. Масалан, давлат фуқаролар учун хавфисизлик, фаровонлик, тинчлик ва яхши ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби мажбуриятларга эга бўлса, фуқаролар қонунларга бўйсуниш, бурч ва мажбуриятларни бажариш каби масъулияти ўз зиммасига олади. Янги таҳрирдаги Конституцияда ушбу принциплар алоҳида белгиланяпти. Бунда асосий ургу инсоннинг ҳуқук ва эркинликларига қаратилмоқда. Мисол учун, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши белгиланмоқда.



**Шерзод ЗУЛФИҚРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор:**

— Бизни ҳозирги кундаги энг асосий испоҳотларимизнинг моҳиятида ҳам инсоннинг фаровон ҳаёти учун, жамиятда ўзини эркин ҳис қилиши, ҳаракатланиши учун барча шарт-шароитларни қилиб бериш масаласи ётади. Барча ҳам ўзига яратилган ҳуқуқлардан қонун доирасида фойдаланмайди. Бу ҳолатда давлат тегишли қонун доирасида унинг қилган хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беришга мажбур бўлади. Илгари бирданига қатъий жазо чораси қўлланилар эди. Бугун эса имконият яратиш масаласи назарда тутиляпти. Ҳуқуқий баҳо беришда ҳам давлат фуқаронинг манфаатларини устун қўйиб, шароит яратиб бериш имкониятларини кўриб чиқади. Ва шу орқали биз ҳуқуқий бир мақом яратиб беряпмиз. Мана шундан келиб чиқиб, Конституциямизнинг 19-моддасига киритиләётган ўзгаришишда ҳам айнан шу қоидалар Конституциявий нұқтаи назардан уступорлик аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибига солинган бўлиши керак. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар бўлиши мумкинки, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечиши қонунчиликда кўрсатимаган бўлади ёки турлича талқинлар сабаб ноаниқларга олиб келади. Мана шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибида ҳал этилиши мухим аҳамият касб этади. Конституцияга киритиләётган ўзгаришга кўра, эндилиқда мана шундай бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқлар инсон фойдасига талқин қилинади.



**Баҳодир ИСМОИЛОВ,
юридик фанлари доктори, профессор:**

— Бу ерда гап тадбиркорлик соҳасида бўлиши мумкин ёки давлат органлари билан боғлиқ маъмурӣ муносабатларга киришиш пайтида қайси бир ҳужжат бор, эълон қўлинмаган, қайсиdir қоида ўрнатилган ёки ўрнатилмаган бўладиган бўлса, бундай ҳолатда давлат

шахснинг манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилиши керак, деган ғоя назарда тутильмоқда.

Шунингдек, ноқонуний қурилишлар экология ва атроф-муҳитга таъсир қилувчи бошқа фаолият турларининг зарарли таъсирларининг олдини олишининг самаралик механизми сифатида шаҳарсозлиқда жамоатчилик назорати ўрнатилишини Бош қомусимизда манфаатларни қўйиш таклиф қилинмоқда. Конституциямизга янги норма 40 прем-2-модда киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиләётган янги нормага кўра, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг зарари таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик хўжатларининг лойиҳалари эса қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик мухокамасидан ўтказилиши асосий қонунимизд анъана.



**Бекзод НАРИМОНОВ,
Конституциявий комиссия эксперти,
ТДЮO кафедра мудири:**

— Бу норма нафақат янги қурилаётган бино-иншотлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, балки уларнинг қурилишидан аввал лойиҳа шакллантирилаётган пайтдаёқ уларга ўзининг муносабатини билдириши, экотизимга қанчалик зарар келтириши бўйича фуқароларини баён қилиш бўйича жуда кенг қамровли ишлар бошланишидан дарак беради. Албатта, бу ерда шаҳарсозлик нормаларига риоя этиш деганда, нафақат экологик ҳуқуқлар нуқтаи назаридан, балки фуқароларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши, кулаги шарт-шароитларда яшаши, ҳуқуқлардан фойдаланишида тадбиркорлар ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шаҳарсозлик нормаларига риоя қилишини тақозо қиласи.

Қурилиш ишларини олиб боришида инсонлар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган шаҳарсозлик нормаларига тўғри келмайдиган ҳолатларнинг олдини олиш талаби қонунчиликни янада манфаатларни тақозо қиласи. Маълумотларга қаранганд, 2021 йил декабр ҳолатига 123 та шаҳарсозлик хўжжати жамоатчилик мухокамасига киритилган бўлиб, шундан 109 таси мухокамадан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига аҳборот коммуникация технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри географик аҳборот тизими тест режимида ишга туширилган. Мазкур геопорталга мамлакатдаги 213 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бosh режалари, 595 та ҳудудни архитектуравий режалаштириши шакллантириш лойиҳалари, 16 та ҳудудни батафсил режалаштириш лойиҳалари, жами 824 та шаҳарсозлик хўжжати жойлаштирилган. Шунингдек, фуқароларга мустақил равишда аҳборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш ва мурожаатларни юзасидан “Огоҳ фуқаро” тизими ҳам тест режимида ишламоқда. Мазкур платформа орқали ҳар бир фуқаро қурилаётган обьектлар ҳақида мустақилтарда боротолиши, ноқонуний қурилишларни аниқлаши, иншоатларда аниқланган қоидабузарликларни фото ҳамда видео материаллар кўринишда қайд этиб, уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориши мумкин. Бунинг учун иловани қурилиш вазирлиги расмий сайтидан ва бошқа интернет манбалари орқали юклаб олиб, фойдаланиш мумкин. Бу платформа ўзи яшайдиган ҳудуд, умуман юртига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро учун хизмат қиласи. Бош қомусимизга киритилиши режалаштирилаётган янги норма эса бир қатор хорижий давлатлар Конституцияларида ҳам мавжуд бўлиб, бундай ўзгаришинг киритилиши келажақда кенг жамоатчилик ва фуқароларга ҳар қандай қурилиш обьектларининг қонунчиликимизга мувофиқлигини назорат ҳуқуқини кафолатлади.

**Ш. ЗУФАРОВА
тайёрлади**



— Сўнгги йилларда юртимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганни, бундай ўзгаришиларни кўриб, инсоннинг кўзи кувнайди.

Куни кеча пойтхатимида халқимиз учун манфаатли бўлган, ҳар жиҳатдан аҳамиятли катта лойиҳасига кўра, биринчи босқичда б минг гектар ер майдонидаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Истиқболли ривожлантириш ва қурилиш худудлари, янги шаҳар билан пойтхатни бирлаштирувчи асосий йўллар тузилмаси ишлаб чиқилган. Шаҳарчада вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, соғлиқи саклаш ташкилотлари, театр, кутубхона, меҳмонхоналар, тураржий бинолари, боғлар ўрин олади.

Муҳтарам юртбошимиз бошчилигига ўтказилган йигилишда мен ҳам иштирок этдим. Унда гапирилган сўзлардан ўзим учун яна бир мотивация олдим. Бугун амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш, турмуш даражасини яхшилаш, эртанги кунга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

“Янги Тошкент” лойиҳаси пойтхатимиzinning замонавий қиёфасини белгилайди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида шаҳарда кенг ва соғлом атмосфера барпо этилишига ишонаман.

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик
партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ
депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

ЧЕМПИОНЛАР ФАХРИМИЗ!

Жорий йилнинг 1-18 марта кунлари юртимиз мезбонлигига ўтган футбол бўйича 20 ёшгача бўлган Осиё Кубоги ўз якунига етди. Жамоамиз А гурӯҳида Сурғиа, Ироқ ва Индонезия жамоалари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Энг яхши футbolchi Аббосбек Файзулаев, энг яхши дарвозобон Отабек Боймуродов! Япониялик Наоки Кумата 5 та муаллифлик голлари билан турнирнинг тўпурадига айланди.



Турнирда энг яхши натижага қайд этган Ироқ, Япония, Жанубий Корея, Ўзбекистон терма жамоалари 2023 йилнинг 20 майдандан 11 июняга қадар Индонезия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига ўт олди.

— Ҳамма қатори менинг ҳам қувончим чексиз. Футболнинг ичидаги бўлганим учун жамоанинг меҳнатига гувоҳ бўлдим. Легионер ва маҳаллий футболда яхши натижага қайд эттаётган футболчилар ва кучли мураббийлар штаби жамоанинг асосий кучларидан эди. Биринчи ўйинда муҳлислар оқимининг пастилиги футbolchilarimizni ҳаяжонлантириди. Ҳар ҳолда, ўйин давомидаги кўллаб-куватлаш жуда мухим. Мураббий Равшан Ҳайдаров матбуот анжуманида футbolchilarning стадионга, жумладан, муҳлисларнинг максимал ташрифига мослашиб кераклигини, ўйнимиз ҳам кундан-кунга яхшиланниб боришини таъкидлаган эди. Ростдан ҳам шундай бўлди. Илк учрашувларда ҳаяжони сезилаётган футболчилар чорак финал, ярим финал баҳсларида муҳлисларни фаопроқ бўлишга чорлади. Ҳатто голларни ҳам улар билан бирга нишонлади. Соддороқ айтадиган бўлсак, аудиторияни ҳис қилишни, чарчаган пайтда улардан куч олишини ўрганиб олишиди. Финалда шахсан давлат раҳбарининг ташрифи йигитларга катта куч берди. Майдонга “ютқазишга ҳаққимиз йўқ” деган мақсад билан тушишиди ва борини бериб ўйнашди. Индонезияда бўлиб ўтадиган мундиалда қандай натижага қайд этилишини тахмин қилиш бирор қийин. Чунки бу ёшлар терма жамоаси ва биз бошқа жамолар ўйинини кузатиб бормаймиз. Бироқ, ўзимизнинг терма жамоа ҳақида шуни айтишим мумкин, жамоамиз иккى учрашувда 120 дақиқа давомида тўп сурди. Жисмоний ҳолатимиз жуда яхши формада. Жанговар руҳ ва ёндашувни йўқотмаган ҳолатда бутун диккатни Жаҳон чемпионатига қаратсан, менимча яхши натижага қайд этилади.

**Даврон ФАЙЗИЕВ,
ЎФА матубот ва медиа раҳбари**



Абдулла Орипов 1941 йил Қашқадарё вилояти Косон тумани Некуз қишлоғида туғилган. Унинг отаси Орифбой Убайдулла ўғли маҳалий колхоз вакили бўлган. Оиласда саккиз нафар фарзанд — тўрт ўғил, тўрт қиз бўлишган.

Абдулла Орипов 1958 йил ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, таҳсилни Ўзбекистон Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг журналистика бўлимида давом эттиради.

1963 йил университетни аъло баҳолар билан яқунлаб, “Ёш гвардиячи” таҳририятида муҳаррир бўлиб ишлайди; (1967—1974) Фоғур Гулом номидаги адабиёт ва санъат таҳририяти муҳаррири ва бош муҳаррири; (1974—1976) “Шарқ юлдوزи” журналида бўлум раҳбари. 1972 йилдан 1982 йилгача Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб фаолият юритади; (1982—1983) Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлинмаси котиби; (1983—1985) “Гулхан” журнали бош муҳаррири; 1985 йилдан котиб, 1996 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси. 1988 йил Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси этиб тайинланган.

Олий Мажлис биринчи ва иккинчи чақиравчи депутати ва сенатори (2005 йил 25 январь) бўлган.

1998 йил Абдулла Ориповга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони топширилди.

ЗАБАРДАСТ СЎЗ САНЪАТКОРИ 82 ЁШДА

Буюк ўзбек адаби Абдулла Қаҳҳор отамнинг ҳаётида бекиёс ўрин тутади. “Абдуллаларга осон бўлмаган...” дер эдилар отам. Дарҳақиат, чунки уларнинг руҳи оташдан бўлган ва улар ёниб, атрофни ўз олови билан ёритиб яшаб ўтдилар. Тутаб эмас... Улар гўё маёқ эди.

Отам ёш талабалик даврлариданоқ бошқа истеъоддли қаламкашлар каби бу машҳур адаби, устоznинг ёнларига интилган, назарига тушган.

Бу хақда отам бир интервьюда:
“Дунёни қизғанма мендан азизим,
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор,
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим,
Ва ўзим сигинар мозорларим бор.

Мен бу сатрларни бежиз ёзмаганман. Феълиторлик, ҳасадгўйлик ҳалқимизнинг бошига қанча-қанча кулфатлар олиб келган. Ҳасадгўйликка қарши энг кўп шеърни мен ёзган бўлсанам керак. Агар менинг шеърията кириб келишимдан хурсанд бўлиб, кутиб олган кишилар бўлса, бу албатта, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир бўлиши мумкин. Аксарият бошқалар қўлида тош билан кутиб олган”, деган эди.

1964 йили Абдулла Қаҳҳор ўзининг асарларига эпиграф ёзиб беришни сўраган экан. Ўшанда отам 23 ёшда экан. Бу асар икки опа-сингил ҳақидаги “Нурни чўққилар” эди. Оламга машҳур бўлган танқидчи ёзувчининг ўш шоирга бўлган ҳайрати, ишончи, отамни ўша дам қай ахволга согланини тасаввур қиласман. Мана ўша сатрлар:

**Гоҳо ер меҳрини ўларкан,
Эсга тушар дорнинг саёғи.
Ажаб ҳикмат: одам ўларкан
Узилганда ...ердан оёғи.**

Кейин эса Абдулла Қаҳҳор ўзининг болалиги ҳақидаги “Ўтмишдан ҳикоялар” асарига отамнинг “Муножотни тинглаб” шеърини охирги тўрт қаторини эпиграф қилиб олганлар:

**Эшилиб, тўлғаниб ингранади куў,
Асрлар ғамини сўйлар муножот.
Куўи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!**

“Абдулла Қаҳҳор бирор жойда йилт этган истеъодд кўринса, уни топиб, албатта, қўллаб-куватлар эди.” – деб ёзади отам. Лекин адабиётни, она тилимизни сохталиқдан, иллатлардан ҳам тозалаб тургувчи энг талабчан танқидчи ҳам эди. Шу жиҳатлари билан улар ҳатто Республикада раҳбар лавозимида туриб, қалам тебратиб турган мулозимларга ҳам танбех беришдан толмасдилар. Бу эса Абдулла Қаҳҳорга душман бўлиб, унинг оиласига, ўзига, яқинларига, шогирдларига ҳам ҳар ийӯллар билан зарба бериб йўқотишга уринишларга сабаб бўлганди. Ҳақпарвар, ҳалқпарвар, мард бўлган Абдулла Қаҳҳор ўзларининг ушбу жиҳатлари билан бирга душманларини

ҳам шогирдларига “мерос” қолдирган. Отам онасини 1966 йилда йўқотган. Шу йилнинг ўзида момом Турди Карвон қизининг васиятига кўра аямга тўй қилиб уйлантириб қўйган экан. Абдулла Қаҳҳор оғир бетоб бўлиб, Москвада даволанаётгандиги сабабли тўйда иштирок этолмайди. Лекин устоз телеграм орқали ўз табригини юборган ва у тўйда ўқилган.

Отамнинг айтишича, Абдулла Қаҳҳор умри поёнига етгач тупроқга Озод aka Шарофиддинов ва отам қўйишила-

Абдулла Орипов 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи.

хам бор эди. Суҳбатларда Абдулла Қаҳҳор ҳақида аямга, отамга хотира парини сўзлаб берарди.

Бир воқеани эслаб ўт-

масам бўлмас. Ҳали мактабга бормас эдим, опти ёшда эдим чамаси. Синглим Юлдуз беш ёшда. Зарифа синглим тўрт ёш. Ҳовлида аргимчоғимиз бор эди. Аям қўймоқ пишираётган эди. Бизлар дўхтир-дўхтир

ўйнаёт-

гандик.

Шунда

Юлдуз

синглим

ўйи -

нимиз

“Чинда-

касим”

бўлиши

учун

отам-

нинг

ётоқҳо-

насида-

ги

шакфнинг устидаги дорини олиб ичишини таклиф қилган. Стулга чиқиб юқоридан дорини олиб берганман. Майда ширин дори ухлатувчи “Беллонтоин” бўлган. Уни сув билан ҳаммамиз уч-тўрттадан ичганмиз. Аргимчоқда учеб бир оздан кейин ҳаммамиз ухлаб қолганмиз. Дори ичиб қўйганимизни пайқаган аям дарҳол отамга хабар етказган. Қўшнимиз врач-инфекционист Шабат Хўжаев, Кибриё буви ва Хуршида жиянларининг умр йўлдоши машинада бизларни тез ёрдамда касалхонага олиб бориб ўлимдан сақлаб қолишган экан.

Дўрмон боғида ўша дамлар Комил Яшин, Аскад Мухтор, Ўйғун, Зулфия каби ижодкорларнинг дала ҳовлилари бўлган. Биз уларнинг неваралари билан ўйнаб катта бўлганмиз. Кейинчалик Кибриё буви шаҳардаги ҳовлисига кўчиб ўтди ва Дўрмондаги ҳовлиларини икига бўлиб ярмини отамга, ярмини Сайд Аҳмад акага сотди. Ўртадан девор тушди.

Боғга отамнинг отаси Ориф бувам ҳам келиб дам



1965 йил унинг илк шеърий тўплами “Митти юлдуз” чоп этилган. Унинг кетидан “Кўзларим йўлингда” (1967), “Онажон” (1969), “Рұҳим” (1971), “Ўзбекистон”, “Қасида” (1972), “Хотирот” (1974), “Юртим шамоли” (1974), “Ҳайрат” (1979), “Нажот қальаси” (1981), “Ийиллар армони” (1984), “Ишонч кўприги” (1989), “Муножот” (19992), “Ҳаж дафтари” (1995), “Сайланма” (1996) шеърий тўпламлари босилиб чиқди.

Абдулла Орипов қаламига “Жаннатга йўл” (1978), “Табиб ва ўлим” (1980), “Ранжком”, “Соҳибқирон” (1996) достонлари мансуб.

2000-2001 йиллар тўрт томлик сайланмаси бўлмиш Абдулла Ориповнинг “Сара асарлари” нашрдан чиқкан.

Абдулла Орипов қаламига “Жаннатга йўл” (1978), “Табиб ва ўлим” (1980), “Ранжком”, “Соҳибқирон” (1996) достонлари мансуб.

2000-2001 йиллар тўрт томлик сайланмаси бўлмиш Абдулла Ориповнинг “Сара асарлари” нашрдан чиқкан.

1965 йил унинг илк шеърий тўплами “Митти юлдуз” чоп этилган. Унинг кетидан “Кўзларим йўлингда” (1967), “Онажон” (1969), “Рұҳим” (1971), “Ўзбекистон”, “Қасида” (1972), “Хотирот” (1974), “Юртим шамоли” (1974), “Ҳайрат” (1979), “Нажот қальаси” (1981), “Ийиллар армони” (1984), “Ишонч кўприги” (1989), “Муножот” (19992), “Ҳаж дафтари” (1995), “Сайланма” (1996) шеърий тўпламлари босилиб чиқди.

Абдулла Орипов қаламига “Жаннатга йўл” (1978), “Табиб ва ўлим” (1980), “Ранжком”, “Соҳибқирон” (1996) достонлари мансуб.

2000-2001 йиллар тўрт томлик сайланмаси бўлмиш Абдулла Ориповнинг “Сара асарлари” нашрдан чиқкан.

Абдулла Орипов қаламига “Жаннатга йўл” (1978), “Табиб ва ўлим” (1980), “Ранжком”, “Соҳибқирон” (1996) достонлари мансуб.

2000-2001 йиллар тўрт томлик сайланмаси бўлмиш Абдулла Ориповнинг “Сара асарлари” нашрдан чиқкан.

Бўлган. Шундай оғир кезларда Кибриё опа (Қаҳҳора) отам билан аямни ўш болалари билан Дўрмондаги боғларига чақириб, бағрига олганди. Аямни Кибриё опага келинде кўриб, ғамхўрлик қиласман. Мен ўша йилларни ҳаётимнинг энг баҳтиёр дамлари сифатида эслайман.

Дўрмондаги Абдулла Қаҳҳор уй боғининг ярмида бизнинг оила, ярмида эса Кибриё бувим ва иккиси хизматчи аёл яшарди. Рус аёл супур-сидир қиласар, яна бири татар миллатига мансуб - Айни буви овқат пиширади. Бизлар мазза қилиб салқинда меваларни дарахтлардан узиб, ҳовузда чўмилиб ўсганмиз. Сув устидаги дараҳт тагида супада отам ижод қиласар эди. Ҳовли тўла отамнинг дўстлари, сафдошлари бўларди. Кибриё бувим айвончада доим китоб, қоғозлар билан тўла столда ёзиб ўтирганлари кўз ўнгимда. Эслайман, печат машинкалари



олар эди. Мен катта фарзанд бўлиб уйни, ҳовлини супуриб, сув сепиб, аям ва отамни кечқурун кутиб олар эдим. Отам тўқ қизил жигули машинасида

шахардан Дўрмонга бир мошин болаларини ташиб умри ўтарди. Отам оиласини тебратиш учун Данте Алигъериининг Илоҳий Комедиясини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилгани ҳам ёдимда. Албатта, таржимонлик маҳоратини устози Абдулла Қаҳхордан олган эди-да. Бу таржима асар учун отам умрининг охирда Италия Президентидан "Италия Юлдузи" медалини олади.

1980 йилда отам Шароф Рашидовнинг топшириги билан Абу Али ибн Синонинг юбилейига бағишилаб "Ҳаким ва ажал" достонини яратади. Асарни ҳукумат орқали жўнатилган Карлови Вари деган курортга бориб ёзган. Иккى ой курортда бўлиб, негадир сарфайиб беҳол қайтиб келди. Жигарларининг мазаси йўқ эди. Биллирубини ошиб кетган... Суви ёқмадими... анча тоби қочганди. Достонни ўша даврдаги Ёзувчилар ўюшмасининг раиси Комил Яшин Шароф Рашидовга етказади. Давлат раҳбари асарни ўқиб чиқиб ўз кўллари билан отамга хат жётган. Ўша хатдан парча:

Укам Абдулла ОРИПОВГА!

...Ибн Сино шундай бир қуёшки, у минг ўиплар тарихини ҳам ёритиб, ҳам иситиб, ҳам безаб турибди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳам умумхалқ маданияти тарихининг мангу қуёшидир. Жасоратингизга ва меҳнатингизга балли, укам. Қойилман. "Ҳаким ва ажал" достони жонажон адабиётимизнинг жуда ноёб мулки сифатида, поэзиямизнинг шоҳ асари сифатида ўқилади. Бу ижодий зафар билан сизни чин дилдан табрик қиласман. Кам бўлманг, укам. Умрингиз узок бўлсин, қўлингиз ва дилингиз дард кўрмасин.

Ана шундай достонни ўқишига муяс-сар бўлганимдан баҳтиёрман.

Эҳтиром билан 10 VII/ 80
Имзо Рашидов."

Отам кўлларидаги хатни юз маротаба ўқиб чиқкан бўлса керак... Ҳам ҳаякон, ҳам ўқинч ҳисси бор эди кўзларида. "Қўзим, мени қанотларимни қайриб, синдириб, энди учавер деб, қўйиб юборишиди. Энди олдингидай баланд уча олармиканман? - дер эди кўзлари жовдираб... "Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, дейдилар. Оҳ! Мана шу эгилишда унинг неча-нечаси қобирғалари узилиб кетишини билсангиз эди!" Бу отамнинг танланган асарлари китобидаги сатрлар.

Отамнинг қисмати ҳам устози Абдулла Қаҳхорнинг тақдирига ўхшаш. Балки фарзандлари кўп бўл-



бориб устозларини зиёрат қиласди. "Менинг ер устида танишларим кам, менинг ер остида дўстларим кўпроқ..." деб бежиз ёзмаган. Чигатойдаги бозорчада икки дона кабобни еб, бир чойнак чойни ичиб, яна ишларига қайтарди.

Умрининг охирги ўттиз ийлини отам ва аям Дўрмонда ўтказди. Аям Кибриё бувимнинг ўйтларини олиб, дунёнинг барча бурчакларидан гулларни олиб келиб, ҳовлини жаннатга айлантирганди. Отам ҳазиллашиб: "Бирлашган гуллар ташкилоти бу"- дер эди.

Ҳовлимиз ҳар доим меҳмонларга тўла эди. Шогирдларнинг, дўстларнинг, муҳлисларнинг кети узилмасди. Отамнинг ҳар бир ёзган нарсалаларини, қоралган қоғозларини аям Кибриё бувимдек авайлаб олиб кўярди. Ижодкорнинг аёли қандай бўлиши лозимлиги борасида аям Кибриё Қаҳхорованинг дарсликлирдан энг кўп сабоқ олган бўлса керак. Шу туфайли аям отамни асраб, авайлаб, ижод қилиш учун ҳамма шароитни яратиб, энг тансиқ таомларни тайёрлаб бериб, ҳар бир шеърининг биринчи муҳлиси ва тақризчиси бўлиб, отамга тиргак бўлди. Отамнинг кўп тенгдошларининг оиласи тарқаб кетди...

Аям кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган ҳолда, Кибриё опанинг насиҳатларини доимо ёдда тутиб, оила кемасини матонат билан сақлаб қолди. Отам адабиёт соҳасида, ҳаётида нимага эришган бўлса, устози Абдулла Қаҳхор туфайлидир! Аям ижодкорнинг рафиқаси сифатида эришгандарига устози Кибриё Қаҳхорованинг ҳиссаси катта.

Отам Ёзувчилар ўюшмасига раислик қилган даврларда Абдулла Қаҳхорнинг 100 йиллик юбилейини давлат даражасида ўтказишига муяссар бўлди. Устозларнинг устози Абдулла Қаҳхорнинг 2007

йилга қадар беш нафар шогирди Ўзбекистон Қаҳхорони унвонига сазовор бўлишиди. Шу йили устозининг ҳайкали очилди, асарлари чоп этилди, кеч бўлса ҳам унвонлар берилди. Ўзларининг табрик нутқларида отам ушбу сўзларни айтди: "Абдулла Қаҳхорнинг ҳақгўйлиги, тўғрисўзлиги ўша давр мағкураси қуюшконига сигмасди. Бундай вазиятдан жуда унумли фойдаланган ночор-у нотавон ҳасадгўй кимсалар адабнинг кўзини очирмадилар, уни муттасил ёлғизлатишга уриндилар ва улар мақсадларига бир қадар эришди-

гани учун анча оғирроқ бўлгандир ҳам. Йиллар ўтди, отам юқори мартабаларга эришид. Мустақиллик кунларини кўзда ёш билан кутиб олди. Давлат мадҳиясини ёзи. Юксак давлат унвонларига лойиқ топилди.

Чигатойдаги қабристонга ҳар ўн кунда бир

лар ҳам. Бироқ Абдулла Қаҳхор умрининг охирги дамларигача руҳан енгилмасдан яшади. Адибимиз ўзининг ҳақлигини теран англар эди..."

Умрининг охирги йилларида яна синовларга туш-



ди. Тақдир тақозоси, замона зайли билан шогирдлар юз ўғирди, яккаланди. Ҳатто лифтга бирга киришса, саломига алик олишдан қочгандар бўлди...

Шеърлари чоп қилинмаган, телевиденияда кўринмай қолган отам ҳақида ҳалқ ичида: "Абдулла Орипов вафот этган" деган гап-сўзлар тарқалди. Ҳатто отамга Халкаро унвонни қандай топшириши билмай қолган Акмал Саидовга: "...чет элликларга "Абдулла Орипов ўлган", деб айтинг", – деган жавоб ҳам берилган экан...

Оғир дардга қалинган отамни устози Абдулла Қаҳхор каби Ватанидан жуда йироқда, касалхонада жони узилди. Отамнинг ҳам тобутини шогирдлари кўзда ёш билан Тошкент аэропортида кутиб олишди. Кейин эса отам, яъни тобутлари қадрдан устозлари ва дўстлари кўним топган гўзал гўшага, Чигатой қабристонига етиб борди... Мен эса негадир таскин топдим. Ахир отам ёлғиз эмас-ку энди...

Президентимиз отамнинг номини абдийлаштириш ҳақида фармон берди. Устози Абдулла Қаҳхор каби отамнинг руҳига хурмат кўрсатилиб ҳайкал кўйилди. Хиёбонлар, кўчалар, мактаблар отамнинг номини олди. Минг раҳмат! Мен хотираларимни отамнинг устозига бағишлиланган шеъри билан яқунламоқчиман.




АБДУЛЛА ҚАҲХОР

Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Саҳролар қоларди чексиз, бетакрор.

Нега улар чексиз, десам дедилар:
Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳхор.

Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Чўққилар қоларди юксак ва қатор.

Нега улар юксак, десам, дедилар:
Бу ердан ҳам ўтди Абдулла Қаҳхор.



Ҳа, отамнинг ҳам ҳаёт йўллари нега юксак десалар, мен жавоб бераман:
"Бу ердан ҳам ўтди Абдулла Қаҳхор"...

Шоира Орипова



«ИЛТИМОС МЕНГА ОВОЗ БЕРИБ ЮБОРИНГ»

МАЗМУНИДА ТАРҚАЛАЁТГАН «ФЕЙК» ХАБАРЛАРГА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ! ТЕЛЕГРАМДА “ВИРУС” ТАРҚАЛДИ!

Менинг Телеграмм аккаунтимга икки ҳафталардан бери таниш-нотаниш рақамлардан “Илтимос менга овоз берилбайни” каби хабарлар келишини бошлади. 4-5 кундан бери уларнинг сони янайам кўпайди. “Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир болали оиласа 650 минг сўмдан ажратади”, “энди сиз президентдан 650 000 сўм тўлов олишиниз мумкин” деган мазмундаги хабарлар ҳам келмоқда.

Аслида, Кибероламда содир этилаётган фирибагларликлар ҳақида унча-мунча тушунчам бор. Аникрофи, ИИВ Киберхавфсизлик Маркази ходимлари билан бу борадаги тарғибот тадбирлари ва бошқа ҳолатлар бўйича лавҳалар тайёрлаш жараёнида олган маълумотларим сабаб жуда эҳтиёткор бўлиб қолганман. Бир куни менга бенгана номердан кўнғироқ бўлди. Салом – алиқдан сўнг, сизга “uzcard компаниясидан янги йил совғаси бор” дейишди. Фирибаглар бўлса керак деб ўйлаб, дарров шубҳага бордим. Ҳатто, телефонимнинг овоз ёзиб олиш мосламасини ҳам ёқдим. Ҳозир қаердасиз деб савол берган эдим, ишхонамнинг манзилини айтганидан сўнг хотиржам бўлдим. Хуллас, ўзимнинг киберхавфсизлик борасидаги билимларимга таяниб, бу хабарларга ҳам ишонмадим. Аммо, икки кунлар олдин кечаси, яқин бир курсдошим Иродадан ҳам шу маънодаги хабар келиб қолди. Хабарни кўришим билан курсдошлар бир кўришганимизда, Ироданинг “ҳавола юбораман. Университетимиз рейтингни учун баҳо берасизлар”, деган сўзларни эсладим. Ҳа, ўша танловда иштирок этапти шекилли, деган хаёлга бордим. Овоз бериш учун ботга аъзо бўлиш мақсадида хабарни ўқидим. “Шу сайтка кириб, номеризи киритиб регистрациядан утволин, олдиндан рахмат” деб ёзилган экан. Жумладаги хатоликлардан дарров билдимки, буни Ирода ёзмаган. Чунки, у хатосиз ёзади. Телеграмдан унга ёздим. Анча вақт кутдим жавоб келмади. Демак, бу ҳам фирибагларнинг найранглиги. Шундан сўнг, курсдошим Ирода га қўнғироқ қилдим, ҳолатни айтдим. У ҳам “Телеграм мага кираолмаяпман. Фирибаглар аккаунтимни ўзлаштириб олишган. Энди ҳамма танишларимга шунақа мазмундаги хабарларни юборишадан экан”, деди. Менинг ҳам киберфирибагларга алданишимга бир баҳя қолди. Ҳўп, бу хабарда имло хатолар бор экан. Мен ундан сергаклик тортиб, билиб қолдим. Леп-

кин, бундай хабарларнинг ҳаммаси ҳам хато ёзилмас ёки бошқа танишларимиз хато ёзар. Демак, бу ҳам бизни киберфирибаглардан кутқара олмайди. Ҳўш, аслида Кибероламда бўлаётган бундай найранглардан сақланиш учун нима қилишимиз керак? Бундай соҳта ҳавола ёки ботларни ҳақиқийдан ажратиш мумкинми? Борди-ю ҳавола ёки ботга аъзо бўлиб, маълумотлар киритиб кўйилса нима бўлади? Ундан қандай қилиб кутулиш мумкин? Фирибаглар кўлга киритган аккаунтни қайтариб олиш мумкин, қандай қилиб?

Хуллас, шу каби саволларга жавоб топиш бугунги кунда анча долзарб бўлиб турипти. Бу борада ҳар биримиз учун, аввало, мутахассислар тавсиясига амал қилиш энг муҳим ва тўғри йўлдир.

Демак, биринчидан кибероламда тарқалаётган ҳар қандай хабарни текшириб кўрмасдан туриб, тўғри деб қабул қилманг. Айниқса, сизга бот кўринишида ёки бирон ҳавола юборилиб, унга аъзо бўлишингиз ва телефон рақамингиз, шахсий маълумотларингизни киритишингиз сўралаяптими, дарров хушёр бўлинг. Энг яқин танишингиз, амма ёки холангиз, ҳатто оила аъзоларингиздан бир юборган бўлса ҳам ишонишга шошилманг. Имкон қадар у ердаги ёзувлар устига босиб кўриш ёки унга киришдан четланинг. Сабаби, киберфирибаглар шу орқали ўзининг ғарас ниятини амалга ошироқчи бўлади. Масалан, шу кунларда телеграмда янгича фирибаглар хабарлари тарқаляпти. Бу бўйича расмий каналлар ҳам ахолига огохлантирувчи ҳуҷонлар бериб бормоқда. ИИВ Киберхавфсизлик Маркази маълумот беришича, унинг схемасига қарасангиз, аслида, жуда ҳам оддий. Лекин, кўччилик фуқаролар бунга алданиб, ўзлари фойдаланаётган телеграм аккаунтларидан айрилиб қолмоқда. Бунда юқорида айтганимиздай, сизга “Сўровномада қатнашадиганда, сизнинг ёрдамнинг керак”, “шу ҳаволага киринг” каби мазмундаги турли қисқа хабарлар келади. Энг қизиги, бу сизнинг яқин танишингиздан ҳам бўлиши мумкин. Сиз эса бунга танишингиздан келгани учун ҳам ишонасиз. Аслида эса, ишонманг. Чунки, бу хабарни сизнинг танишингиз ёзётгани йўқ. Бу унинг аккаунтини кўлга киритган киберфирибаглар қилаётган иш. Қандай қилиб дейсизми?. Мана, қаранг. Сиз телеграмнинг орқали келган хабарга ишониб, ундаги “хабарни кўриш”, “перейти к сообщению” ёки “сайт” каби ёзувли тугмани босасиз. Овоз беришингиз учун у ерда Телефон рақамингизни киритишингиз сўрлади. Киритдингизми? Ана энди телефон рақамингизга келган смсни тасдиқлаб беришингизни айтади. Сиз мана шу смсни ҳам тасдиқлайтисиз. Оқибатда телеграм профилинингизга киберфирибаглар бузиб киради. Ана шу вақтдан бошлаб, сизнинг телеграм аккаунтингиз тўликлигича уларнинг бошқарувига ўтади. Натижада эса, кўлингиздаги мобил курилмангиз ёки компьютердаги ўзингизнинг телеграм аккаунтингизга кира олмайтисиз. Ва маҳсус ботлар контакtingиздаги барчага ўзлари истаган хабарларни юборади. Демак, “Телеграм” мессенжеридаги турли канал ва гурухлар орқали тарқатилаётган ёки шахсий профиллардан ҳатто энг яқин инсонларнингиздан келаётган “Илтимос, менга овоз берилбайни” мазмунидаги хабарларга асло ишонманг. Бундай хабарларни киберфирибаглар тарқатмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса, фуқароларнинг аккаунтини эгаллаб, ундаги маҳфий ёзишмалар, видео ва фото маълумотларни кўлга киритишдир. Бу каби ҳолатлар, Payme, Click каби бошқа банк карталари билан боғлиқ иловаларда ҳам кузатилиши

мумкин. Демак, ушбу хабарлар ёлғон ва хавфли.

Агарда сиз билиб-билимай, мабодо ана шундай бот ёки ҳаволага кириб кўйган бўлсангиз, ундан қандай қутилишингиз мумкин?. Ана энди, бу борада мутахассислар тавсиясини эштамиз.

Телеграмда созмалар бўлимига киринг. Ундан курилмалар бўлимига ўтинг.

Бу ерда яъни курилмалар бўлимида бошқа барча сенасларни тугатиш деган тугмача мавжуд.

Қизил ҳарфлар билан ёзиди кўйилган.

Ана шу тугмачани босиб кўйинг. Шунда сизнинг ҳақиқий

аккаунтингиздан ташҳари бошқа барча фаол курилмаларнинг фаолияти бекор қилинади. Бу эса сизнинг аккаунтингиз янада ҳимояланган ва янада хавфсиз эканини билдиради.

Яна муҳим бир тавсия!

Телеграм аккаунтингизни ёзалашга бўлган хуружларни мутлақо бартараф этиш

учун, икки босқичли текширувни ёки ёзиди кўйинг. Бунинг учун телеграмда маҳфийлик ва хавфсизлик бўлимига кириб, икки босқичли текширув тугмасини босасиз. У ерда ўзингизгагина маълум бўлган паролни киритиб, ушбу икки босқичли текширувни фаоллаштиришингиз мумкин. Хуллас, Эҳтиёт бўлинг!

Телеграм аккаунтингизни сиздан олиб кўядиган бот ва

сайтлар пайдо бўлди. “Илтимос менга овоз беринг” ёки

бошқа шаклдаги бундай бот ёки сайтларга олиб ўтвичи ҳавола ва иловаларга аспло жавоб берманг. Балки, хушёр бўлиб, бу борада керакли маълумотларга эга бўлиб боринг. Ана шунда кибероламда тарқалаётган бундай фирибаглардан ҳимоялана оласиз. Бунинг учун ИИВ Киберхавфсизлик марказининг расмий телеграм каналидан фойдаланишингиз мумкин. У ерда сиз мутахассислардан тавсиялар олсангиз бўлади. Ўзингизни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб топасиз. Бугун интернет нафақат кун сайнин, балки соат ҳатто сонияларда шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўзидан ҳар биримиздан киберхавфсизлик бўйича билим ва кўнкимларимизни ошириб боришни ҳам талаб этади. Демак, эътиборли ва огоҳ бўламиш.

Мақсаду ШИРИНБОЕВА.

Саҳифани тайёрлашда ИИВ Киберхавфсизлик Марказининг “субект 102”

расмий телеграм канали материјалла-

ридан фойдаланилди.

komplekslik bilan tanishlari chaytalarini bilasizmi? 4. Hozirgi payda olayotgan oyilgizing kundakl ehtiyojlarini qondirish uchun yetarlimi? 5. Shaxsiy biznesining tashkil etish haqidagi bepi maslahatlar olishni istarmidiz? 6. “Oriflame” kompaniyasi ushu mushkulgingizni yengilashishining xohlaysimi? 7. Siz shaxsiy hayotningizni tubdan o'zgarilishini xohlaysizmi? ILTIMOS SHU SAVOLLARGA JAVOB BERING

Пересланное сообщение
От Орифлейм каталог 01.2023 Узбекистан
https://t.me/oriflameuz/0_23

Telegram
Орифлейм каталог 02.23
Узбекистан
По вопросам пишите @Meneger_ori
Саволлар бўча @Meneger_ori ga murojat qiling

ПЕРЕЙТИ В КАНАЛ
1 марта
via @PostBot
Salom! endi siz prezidentdan 650 000 soʻm tolov olishingiz mumkin.

pul olish
Сообщение



-ўзидан ҳар биримиздан киберхавфсизлик бўйича билим ва кўнкимларимизни ошириб боришни ҳам талаб этади. Демак, эътиборли ва огоҳ бўламиш.

Хажми — 2 босма табок, оғсет усулида босилди. Адади 500

нусха, көз бичими А3

Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди

